

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА- МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИНГ ЎРНИ

Фазлиддинов Жанобиддин Зайнобиддин ўғли

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети, Даволаш факультети талабаси,
Самарқанд, Ўзбекистон.

Илмий раҳбар: **Абдумажидова Хамида**

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети, Ижтимоий ва гуманитар фанлар
кафедраси ассистенти, Самарқанд, Ўзбекистон.

Ишнинг мақсади: Жамият тараққиётида мафкуравий иммунитетнинг ўрни ва инсон ҳаётига таъсири доирасини ўрганиш.

Тадқиқот методлари: кузатиш, тажриба, анализ, синтез.

Хулоса: Бугунги кунда мафкуравий иммунитет ҳаётий зарурат бўлиб, у халқимизни ёт ва зарарли ғоялар хуружидан асрашда, юртимиз фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда, кўзланган олийжаноб мақсадларимизга эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мафкуравий иммунитет (лотинча *immunitas* - озод бўлиш, қутилиш) - шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат жамиятни турли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. Инсонда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди.

Организмни инфекция агентлар ва бошқа ёт моддалардан ҳимоя қилиш омиллари уч гуруҳга бўлинади:

1. *Филогенетик иммунитет*- анатомик ва физиологик белгилар билан таъминланиб, наслдан-наслга ўтадиган адоҳида ҳимоя омиллари ёки организмнинг алоҳида резистентлиги.

2. *Туғма иммунитет* (турга хос,табiiй)- бир биологик турнинг маълум бир патоген агентга нисбатан чидамлилиги бўлиб наслдан-наслга ўтади.

3. *Ортирилган иммунитет*-ҳаёт давомида организм иммун системасининг ёт антигенлар билан таъсирлашуви ҳисобига юзага келадиган ҳимоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди.

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олиши эмас,балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимларни замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқеилигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик фаолиятидир.

Барча тарихий даврларда ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаши масаласи мамалакат тараққиёти, мустақиллиги, келажagini кафолатловчи муҳим омил саналган. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, “Тарбиябиз учун ё ҳаёт- ёмамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат -ё фалокат масаласидир”. Ёшлар тарбия масаласи, айниқса бугунги даврда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.Тарих сабоқлари жамият тараққиётида ёш авлоднинг тарбияси савиясининг ўрнини нечоғлик муҳимлиги ҳар қандай даврда ҳам ўзининг маълум даражада исботини кўрсатган.

Соғлом иммунитетли одам ўзини ёмон ишларни қилишдан сақлайди, ноҳақлик ва зулмга қарши қалбида норози бўлиб, ўз нафратини билдиради. Бинобарин, ёмонликка қарши нафрат, яхшиликка нисбатан муҳаббат ва хайрихоҳлик соғлом иммунитетнинг асосий белгиларидандир. Мафкуравий иммунитетнинг асосий хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Я.Яхшиликков, Н.Э.Муҳаммадиев. Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси”
Тошкент. 2017й.
2. Миллий ғоя:тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.-Т. Академия,
2007й.
3. Саифназаров И., Саифназарова Ф. “Мафкуравий хуружлар нима?”-
Т.Маънавият-2017.С.Отамуратов, С.Хусанов, Ж.Раматов. Маънавият асослари
Тошкент. 2002й.